SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 8-APREL ■ SESHANBA ■ 45 (27.065) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Алплар Термизда беллашди



4-5-апрель кунлари Термизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўзбек кураши бўйича буюк мутафаккир Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий VI халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда йигирмага яқин мамлакатдан келган икки юз полвон ўзаро бел олишди.

4-бет



Фармон моҳиятига бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида мамлакатимиз Президентининг **«Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»**ги Фармонининг моҳияти ва вазирлик олдида турган долзарб вазифаларга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Кенгашда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари Шерали Нурматов, Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти директори Расулмат Ҳусанов, Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш Маркази бош директори ўринбосари Одил Олимжонов ва вазирликнинг масъул ходимлари ҳамда соҳа мутахассисларининг қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш шакли — ижара муносабатларини кенг ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг иқтисодий эркинлигини ошириш ҳамда соҳада фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги фикрлари тингланди.

Ўз мухбиримиз

МАҲСУЛОТ — ЎЗИМИЗНИКИ, ЎЗБЕКИСТОННИКИ!

Элга манзур буюмлар

Суратларда: моҳир тикувчилар Эътибор Қосимова, Зуҳра Маҳмудалиева, М.Набиева; ўқувчилар сумкалари.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Мамлакатимиз саноат корхоналарида маҳаллий хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқаришга эндиликда катта эътибор берилмоқда.

Пойтахтимиздаги «Орзу» акциядорлик жамияти қошидаги «Орзу-бахт» ва «Орзу-Осиё» масъулияти чекланган жамиятларда ҳам бугунги кунда турли хил халқ истеъмоли моллари тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Корхонамиз эндиэнди қаддини тиклаяпти, — дейди «Орзу-Осиё» МЧЖ директори Холмурод Мирзаалиев. — Жумладан, ўтган йили 31 миллион 105 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бу ерда тикилаётган спорт анжомлари, ҳар хил турдаги чарм-атторлик буюмлари халқимизга манзур бўлаётир.

«Орзу-бахт» МЧЖда тайёрланаётган ўқувчилар сумкаси, футбол тўплари сингари буюмлар ўз сифати билан хориж маҳсулотларидан қолишмайди. Корхона ўтган йили 23 миллион 521 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб, йиллик режани ошиғи билан бажарди.

Шунингдек, пойтахтимиз мактабларига қадам қўйган 1-синф ўқувчиларига «Президент совғаси» учун 83 минг дона ўқувчилар сумкаси ишлаб чиқарилди. Йилнинг биринчи ярмида 50 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш кўзда тутилган. Ҳозир бу ерда маҳсулотларнинг янги турлари ва безаги устида изланишлар олиб борилмоқда.

Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА

МУНОСАБАТ

Демократиями ёки диктатура?

Икки ҳафтадан кўпроқ вақт давомида АҚШ ва унинг иттифоқдошлари томонидан Ироқда олиб борилаётган жанговар ҳаракатлар жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Бир қараганда, мазкур ҳаракатлар бутун дунёни икки қутбга — уруш тарафдорлари ёки унга қаршиларга бўлиб юборгандай туюлади. Аслида, шундайми? Йўқ, албатта! Масала туюлаётганидан анча мураккаб ва чуқурроқ.

Маърифий демократия томон ривожланиш йўлини тутган замонамизда ўрта асрчилик жаҳолатпарастлигига асосланган мустабидчилик тузумлари одамзотнинг эзгу мақсадларига жиддий хавф солмоқда. Мана шундай тузумларга, агар уларни ўзгача йўл билан ўзгартириб бўлмаса, барҳам беришнинг кескин чораларини кўриш, айрим ҳолларда, ўзини ҳаётий зарурат сифатида намоён қилмоқда. Инсониятнинг ҳаётига хавф солаётган халқаро терроризм ҳам айни нодемократик, мустабид тузумларнинг ҳосиласидир. У бугунги кунда, ҳатто, тажовузкор ёвуз кучлардан асрлар давомида ишончли муҳофазаланган, АҚШнинг ҳам тинчлигига таҳдид солмоқда. АҚШ ўз миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳуқуқига эга. Иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий жараёнларнинг глобаллашуви (инсониятнинг яхлит бир бутун танага айланиши) АҚШ миллий хавфсизлигининг бутун жаҳон халқаро хавфсизлиги билан узвий алоқадорлигидан ёрқин далолат бермоқда. АҚШ — демократик давлат, унинг куч-қудратининг асл манбаи ҳам худди шунда. Демократик қадриятларга зид, уларга номуносиб хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликка қаратилган жиддий мурватларнинг мавжудлиги АҚШ ижтимоий тузумининг муҳим ички жиҳатини ташкил этади. Шу боис, бизнингча, АҚШнинг Ироққа нисбатан ҳаракатларини, гўёки, дунёда «танҳо ҳукмронлик қилишга интилиш» ёки «нефть учун қилинаётган уруш» сифатида баҳолашлар каби фикр-мулоҳазалар «совуқ уруш» давридан қолган аксиламерикачилик кайфиятининг асоратий акидаларидан ўзга нарса эмас.

Худди шунингдек, АҚШ ва унинг иттифоқчилари саъй-ҳаракатлари Ироқ халқига ҳам, мусулмон дунёсига ҳам қарши хуруж эмас. Зеро, ҳеч қандай чинакам демократик тузумнинг на бутун бир бошқа халққа ёки ислом динидек маданий-маърифий оламга қарши қаратилган бўлишлиги асло мумкин эмас.

Расмий Ироқ кўп йиллар мобайнида ўз халқи ва қўшниларига нисбатан ғайриинсоний, адоватли сиёсат юргизиб келди. Шу боис, бугун аксарият мамлакатлар, жумладан, қатор мусулмон давлатлари ҳам, Ироқ сиёсатининг мўътадиллаштирилишига, Ироқни қуролсизлантиришга қарши эмас. Баҳс, асосан, бунга эришишнинг усули тўғрисида, холос.

Ироқ раҳбарияти, хусусан, Саддам Ҳусайн БМТнинг ўн йилдан кўпроқ давр ичида қабул қилган қарорларини сўзсиз бажариб, бугунги аянчли вазиятга йўл қўймасликнинг барча имкониятларига эга эди. Бироқ, афсуски, у ўз халқи учун ижобий истиқбол йўлини танламади. Бизнингча, у ўз юртини, халқини эмас, балки, ўзининг шахсий ғаразли манфаати,ҳокимиятпарастлиги, нафсониятини ўйлади. Охир-оқибатда, ҳар қандай мустабидчилик тузуми, одатда, эртами-кечми, дуч келиши муқаррар бўлган ҳолат юзага келди.

Айни пайтда, шуни ҳам унутмаслик керакки, оммавий қирғин қуролларининг диктаторлик тартиботлари ҳукмрон мамлакат расмийлари қўлида бўлиши — ўта ҳалокатли. Мазкур сабаблар Америка Қўшма Штатлари ва унинг иттифоқчиларининг бугунги Ироққа, аниқроғи, ундаги ҳукмрон тартиботларга нисбатан амалга оширилаётган чораларни қўлланилишига олиб келди.

Умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштирган ислом динида зулм ва адоват гуноҳи азимлар қаторига киритилган. Муқаддас ҳадисларда айтиладики: «Кимки бирор гуноҳ ишни кўрса, қўли билан тўхтатсин, агар қодир бўлмаса, тили билан қайтарсин, агар бунга ҳам қодир бўлмаса дили билан ёмон кўрсин. Бу эса иймони заифликдир». Кўриниб турибдики, фақат дил билан ёмон кўришлик, яъни сусткашлик, бу — «иймони заифликдир». Ироқдаги зулм ва адоват илдизларини қирқишга қаратилган фаол саъй-ҳаракатлар эзгулик учун курашнинг муайян, ҳаётий зарурат тақозо этган, шароитда намоён бўлиш шаклидир.

«Ҳечидан кечи яхши» деганларидай, ҳали ҳам ҳамма нарса йўқотилган эмас. Қонли уруш оловини ақл негизида тўхтатиш мумкин. Бу ҳам, Саддам Ҳусайн ва унинг тузуми тарафдорларига боғлиқ. Ироқдаги ғайриинсоний нодемократик тартиботнинг барҳам топтирилиши мазкур мамлакат халқининг адолатли тузум шароитида ҳаёт кечиришини таъминлашга хизмат қилади. Бу Ироқ халқи учун дунёга йўл очади ҳамда ушбу қадимий маданият диёри учун кўни-кўшни, узоқ-яқин мамлакатлар билан ҳамкорликни, дўстона алоқаларни тиклаш ва ривожлантириш имкониятларини яратади.

Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби

ОМОНАТ

Қалбингда қувончми ё борми алам,
Жимгина юрабер, билдирма ҳеч ҳам.
Ҳатто хўрсинсанг ҳам тўкилиб кетар,
Омонат дунёга тегмагин, болам.

Абдулла ОРИПОВ,
2003 йил 1 апрель

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«Кредит беришнинг антиқа «усули»

ЁКИ БИР ТАДБИРКОРНИНГ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҚАРЗГА БОТИБ ҚОЛГАНИ ХУСУСИДА»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2003 йил 22 февраль сонида ана шундай сарлавҳа остида эълон қилинган танқидий мақола республика Марказий банки Жиззах вилоят бош бошқармасининг навбатдан ташқари йиғилишида муҳокама қилинган. **Бош бошқарма бошлиғи У. Мустафоев** имзоси билан таҳририятимизга йўлланган мактубда бундай дейилади: **«Вилоят тижорат банклари раҳбарларига мақолада қайд этилган хато ва камчиликлардан хулоса чиқарган ҳолда тижорат банк бўлимларида ходимлар ва банк амалиётлари устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, ДАТ «Асака» банки бўлими томонидан йўл қўйилган камчиликларни такрорламаслик, хато ва камчиликлар бўлса уларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўришлари таъкидлаб ўтилсин».**

Шунингдек, таҳририятимизга республика Давлат акциядорлик тижорат «Асака» банкидан ҳам жавоб мактуби олдик. Бу хатда жумладан, бундай дейилади: **Бош банкнинг масъул ходимлари томонидан Жиззах филиалига бориб батафсил ўрганиш давомида, мақолада келтирилган бир қатор ҳолатлар ва далиллар тасдиқланди. Ҳақиқатан ҳам, хусусий тадбиркорлар Ф. Мансуров ва А.Мардоновга берилган кредит маблағлари, якуний ҳисобда, бошқа кредитларни қайтаришга йўналтирилган. Кредит маблағлари номақсад ишлатилганлиги филиал томонидан 30.04.02 йил ва 08.09.02 йилда ўтказилган текширишларда аниқланган ва белгиланган тартибда далолатнома тузилган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, 2002 йил сентябрь ойида Жиззах филиалининг кредит фаолияти Бош банк томонидан комплекс текширилганда, бу борада филиал томонидан йўл қўйилган муайян хато ва камчиликлар аниқланган (жумладан, мақолада келтирилган кредитлар бўйича ҳам). Текширув натижаларига кўра филиал бошқарувчиси Н.Юсуповга, банк бошқарувининг 13.09.02 йилдаги 555-Қ сонли буйруғи билан хайфсан эълон қилинган ва камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилган. Ушбуни ҳамда хусусий тадбиркор А.Мардоновга кредит берилганда Н.Юсупов меҳнат таътилида бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда, мақолада келтирилган хато ва камчиликларга йўл қўйганликлари учун, Жиззах филиали ходимларига нисбатан қуйидаги чоралар кўрилди:**

Жиззах филиали бошқарувчиси Н. Юсупов огоҳлантирилди;

филиал бошқарувчиси ўринбосари, кредит бўлими бошлиғи Н. Суннатовга хайфсан эълон қилинди;

мақолада келтирилган 3 та кредит бўйича ҳужжатлар тайёрлаган ва кредит маблағлари мақсадли интилишини текширган мутахассис У. Мўминов филиалнинг 14.01.03 йилдаги 11-сонли буйруғи билан ўз вазифасидан озод этилган.

Ҳозир Жиззах филиали хусусий тадбиркор А. Мардоновга берилган кредит юзасидан даъво аризаси (18.02.03 йилда 3650/02-02 сон) билан Жиззах вилоят судига мурожаат қилган. Ўйлаймизки, банк ва тадбиркорлар ўртасидаги барча низоли масалалар амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳал этилади.

Мазкур мақола банкнинг тегишли бўлинмаларида ва барча филиалларида муҳокама қилиш учун юборилди ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик чоралари кўрилмоқда.

Республика Давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки бошқаруви раиси Ш. ЖЎРАЕВ.

ДИҚҚАТ!

«СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ»

Республикамиз соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар, ўзгаришлар, соҳадаги муаммолар бўйича саволлар, таклиф-мулоҳазаларингиз борми?

Шифохоналардаги шароит, беморларнинг доридармон билан таъминланиши, шифокорлар томонидан аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг бугунги аҳволи сизни қониқтирадими?

Сиз тиббиётда қандай муаммоларга, қийинчиликларга дуч келмоқдасиз? Ўзингизни ёки яқинларингизни қийнаб келаётган хасталик юзасидан кимга ва қаерга учрашишни билмаётган бўлсангиз ***«Сиртқи қабул соатлари»****га мурожаат қилинг.*

Саволларингизга соғлиқни сақлаш вазири ***Феруз НАЗИРОВ*** *жавоб беради.*

Биз билан хат, шошилинчнома, факс ёки телефон орқали боғланишингиз мумкин.

Мурожаатлар 10 апрелга қадар қабул қилинади.

Манзилимиз:
Тошкент, 700000, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй,
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» *газетаси таҳририяти,*

Телефон: *133-69-45, 136-53-70.*
Факс: *133-12-56.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 8 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	577,44	1 Польша злотийси	236,78
1 Англия фунт стерлинги	1507,04	1 СДР	1317,56
1 Дания кронаси	138,67	1000 Туркия лираси	0,59
1 БАА дирхами	263,35	1 Швейцария франки	692,11
1 АҚШ доллари	967,23	1 ЕВРО	1029,42
1 Миср фунти	168,51	10 Жанубий Корея вони	7,69
1 Исландия кронаси	12,30	10 Япония иенаси	80,17
1 Канада доллари	654,24	1 Россия рубли	30,92
1 Хитой юани	116,85	1 Украина гривнаси	181,32
1 Малайзия рингтити	254,57		

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

BUSINESS BANK
Бизнес Банк
Энг яхши анъаналарда

Ҳазорасп қўшма корхона

Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида ёдда қоларли воқеа рўй берди: туман марказидаги ип йигирув фабрикаси базасида янги қўшма корхона очилди. Германиянинг «Унихо» компанияси билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхона ип-калава ишлаб чиқариш борасида энг сўнгги жаҳоний андозаларга эга.

Ҳозирча қўшма корхонада 60 нафар ёш ишлаётир. Уларнинг кўпчилиги Германияда иш ўрганиб, тажриба орттириб қайтишган.

Корхонада йилига уч ярим минг тонна аъло сифатли ипкалава тайёрланади. У тўла қувват билан ишлай бошлагач, кўрсаткич йилига тўрт минг тоннага етади. Бу эса йилига олти миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот сотиш имконини беради.

Ўз мухбиримиз

● ЭРТАГА — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

Буюк ислоҳотчи соҳибқирон ва маънавият

Ўтган ўн икки йил давомида Соҳибқирон Амир Темурнинг юртимизни чингизий босқинчилардан озод этиш, Марказлашган давлат тузишдаги қатъий саъй-ҳаракатлари, беҳад катта ва беқиёс бунёдкорлик ишлари, илм-фан намояндаларига кўрсатган мурувват ва эҳсонлари, «Куч — адолатда» дея фармонбардорлик қилганликлари, борингки, унинг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида кўп гапирилди, китоблар нашр қилинди, йирик анжуманлар ўтказилди, қисқасини айтганда, мустақил юрт улуғ фарзанди борасидаги адолатни тиклади, ҳақиқат ўз ўрнини топди.

Бугунги кунда эса Соҳибқирон қолдирган ўгитлар, адолатли ишлари, давлатчилик борасида яратган қонунлари, энг яхши анъаналари авлодларга сабоқ бўларли даражада намуна қилиб кўрсатилмоқда. «Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир», деган эди Президентимиз. Кўплаб темуршунос олимларимиз Амир Темур ҳаёти ва маънавияти билан боғлиқ илмий изланишларни давом эттирмоқдалар. Тарих фанлари доктори, профессор Ашраф АҲМЕДОВнинг ҳам бу борадаги хизматлари беқиёс.

Қуёшдай чарақлаб турган зот

— Ашраф ака, шу кунларда нима ишлар билан машғулсиз?

— Айни кунларда «Ўзбекистон тарихи хрестоматияси»нинг 1 ва 2-жилдларини тайёрлаш билан бандман. Унда ҳам Соҳибқирон Амир Темур ҳаётига кенг ўрин берилган.

— Амир Темур тўғрисида ёзаётган баъзи муаррихлар ҳамон эҳтиросларини жиловлай олмаяптилар. Шундай муаррихларнинг асарларига кўзингиз тушдими?!

— 1999 йилда Москвада бишкеклик Рустам Раҳмоналиевнинг «Буюк Амир Темур» («Амир Темур великий») асари нашр этилди. У ҳар қалай бошқа шунга ўхшаган асарлардан фарқ қилса-да, аммо муаллифнинг баъзи ўринларда эҳтиросга берилиб, шўроча фикрлаши Соҳибқирон тўғрисидаги ҳақиқатларга зид келган, натижада китобнинг ишончлилигига анча путур етган. Бундай катта ишларга қўл урмоқчи бўлганлар аввало XIV-XV аср тарихидан чуқур хабардор бўлишлари, ўша даврдаги **Овросиё** геополитик муҳитини теран идрок қила олишлари керак, қолаверса, бундай одамнинг виждони пок, имони ҳам бут бўлиши лозим.

— Францияда, яъни Париж шаҳрида бир неча ўн йиллардан буён Люсен Керен раҳбарлигида «Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганувчилар ташкилоти» фаолият кўрсатиб келяпти. Испанияда эса Соҳибқирон Темур даврига оид манбалар жуда кўп дейишмоқда. Уларни ўрганиш учун ўша давлатлардаги музейлару олимлар билан алоқа боғланиб, ўзаро ҳамкорлик қилинса яхши эмасми?!

— «Халқаро Амир Темур жамғармаси»га янги раҳбар келди. Адиб Муҳаммад Алидан кўп нарсалар кутиш мумкин. Ўйлаймизки, тез кунларда бу ишлар ҳам ўз йўлига тушиб кетади.

Ҳозирда Ҳиндистон, Эрон ва Англиядан келтирилган нодир қўлёзмалар устида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

— Кимлар тадқиқот олиб боришмоқда?

— Асосан ёш олимлар, шогирдларимиз. Улар қўлёзмаларни синчковлик билан ўрганишмоқда, ҳадемай халқимизга Темур ва темурийлар даврига оид янги-янги тадқиқотларнинг натижалари ҳавола қилинади.

— Қўлёзмалар асл нусхами ёки?..

— Асл нусхалари эмас, уларнинг микрофильмлари олиб келинган.

— Шогирдларингизнинг, хусусан, ёшларнинг Соҳибқирон бобомизнинг қайси насиҳатларига кўпроқ қулоқ осишларини хоҳлардингиз?

— «Куч — адолатда» деган сўзларига доимо амал қилишларини истардим. Умуман олганда-ку, Соҳибқирон бобомизнинг бутун ҳаётлари ёшларимизга ибрат бўларлидир. Чунки энг биринчи галда бу зот Ватанни ҳамма нарсадан устун қўярди, уни чинакамига севарди. Ўз фарзандларини ҳам шу йўлда тарбиялади. Унинг иккинчи бир хусусияти — яратувчанлик, бунёдкорлик эди. Умр бўйи боғлар, қасрлар, масжид, мадрасалар барпо этди, каналлар қаздириб, сув чиқарди, одамларнинг оғирини енгил қилиш, турмушини фаровон этиш ҳаракатида бўлди. 1397 йилда набираси Муҳаммад Султонни Етисувга, яъни ҳозирги Қозоғистоннинг жануби-шарқига юбориб, уч йил ичида у ерларни обод қилишни, Чингизхон вайрон қилган жойларни қайта тиклаб, суғорма деҳқончиликни йўлга қўйишни буюрди. Суюкли набира улуғ бобосининг бу эзгу топшириғини бекаму кўст бажарди, қарийб 1200 км. масофадаги ерлар обод маконларга айлантирилди.

— Маҳаллий ҳокимиятларга ҳам имон-инсофли, ишбилармон кишиларни тайинлаган. Бундан кўзланган мақсад аввало раият аҳволи, юрт ободлиги бўлган. Шундай эмасми?

— Эл-юртнинг тақдири, раиятнинг туриш-турмуши кўп жиҳатдан марказий давлат тизимига, шаҳар, туман ва каттакичик қишлоқлардаги идораларнинг иш юритишига ва ўша идораларда хизмат қиладиган мансабдорларнинг насл-насаби, имон-инсофли, тадбиркор бўлишларига боғлиқдир. Амир Темур улардан эл-юртни ҳимоя қилишни, доимо кишилар аҳволидан хабардор бўлишни қаттиқ талаб қилган. «Тузуклар»да ўқиймиз: «Амр қилдимки, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солиб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш лозим. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади».

— Амир Темур нафақат ўз юртида, балки бошқа мамлакатларда ҳам кенг ободончилик ишларини олиб борган. Бобомизнинг туғилган кунларида у кишининг ана шу ишларини ҳам эсга олсак.

— Дарвоқе, у Бағдодни, Дарбандни тиклаган, мўғуллар даврида бузиб ташланган Жанубий Озарбойжонда, Урмия кўли бўйида жойлашган Бойлақон шаҳрини тошдан қайта бунёд этган. Қорабоғ ва Муғон даштига сув келтирган. «Зафарнома»да таъкидланганидек, ўзидан ёдгор қолсин деб, тасарруфидаги ҳар бир мамлакат, шаҳарларида биттадан олий иморат қурдирган. Қисқаси, Амир Темурнинг эзгу ишлари ҳақида такрор-такрор гапириш мумкин, лекин энг муҳими, бу зот қуёшдай чарақлаб турибди. Унинг зиёси ҳали кўп авлодларимизни жуда кўплаб эзгу ишларга бошлайди.

Тўлқин ҲАЙИТ суҳбатлашди.



Буюк Амир Темур нафақат давлатни бошқаришда, маънавият ва қонунчилик соҳасида ҳам бебаҳо мерос қолдирган. Соҳибқироннинг бу соҳадаги самарали фаолияти, афсуски, мустақилликкача жуда кам ўрганилган. Оқибатда Амир Темурнинг давлатчилик фаолиятини тадқиқ қилиш, тарихий ҳақиқатни юзага чиқариш пайсалга солинган.

Ноёб тарихий манба, ўз замонасининг асосий қонуни ҳисобланган «Темур тузуклари»нинг яратилиши Соҳибқиронни нақадар истеъдодли, кўпқиррали шахс эканлигининг ёрқин ифодасидир.

Амир Темурнинг «Тузуклар»и салтанат ворисларига давлат ишларини бошқаришда қўлланма, асосий қонун сифатида фойдаланиш нуқтаи назаридан яратилган. Улар салтанат мартабасига эришгач, амал қилиши зарур бўлган энг биринчи тамойил қуйидагича белгиланган: «Давлат агар дину ойин (қоида ва расм-удум) асосида қурилмас экан, тўра тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса, назарини олиб қочади, ёхуд касу-нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди». Шу тариқа давлатни бошқариш илмини ривожлантириб, бу қоидаларни ўз тасарруфидаги мамлакатларга ёйган.

Соҳибқирон ўз ҳукмдорлигини ўрнатган ўлкаларда даставвал маҳаллий зодагонлар ва олим-уламоларга таянган, фақир-бечораларни қўллаб-қувватлаган. Амир Темур шундай деб ёзади: «Ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мизожидан воқиф бўлиб турдим. Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг ашроф-улуғлари ва бузурглари билан ошна тутиндим. Уларнинг мизожларига, табиатига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларни уларга ҳоким қилиб тайинладим. Ҳар бир диёр аҳолисининг аҳволидан огоҳ бўлиб турдим... Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим».

Соҳибқироннинг муҳим фазилатларидан бири, у қайси бир мамлакатга юриш қилмасин, аввало ўша мамлакатнинг қонун-қоидалари, турмуш тарзи, сиёсий-ижтимоий аҳволи, динлари тўғрисидаги барча ёзма манбаларни шахсан ўзи ўрганган ва шунга мос келадиган қонунчилик асосида ҳукм чиқарган. Қўл остида бўлган ўлкаларда фуқароларга дунёвий ва диний масалалардан таълим берилиб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: тафсир, ҳадис, мусулмон қонуншунослиги — фиқҳдан дарс берсинлар, деб ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайинлаган. Соҳибқироннинг халқпарварлиги ва саҳийлиги туфайли унинг амри билан ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар ва хонақоҳлар, мусофирлар учун работлар бино қилинган, дарёлар устига кўприклар қурилган.

Буюк Соҳибқирон шижоатли кишиларни дўст тутган, илм аҳли ва уламо билан суҳбатда бўлиб, пок ниятли, тоза қалбли инсонларни саройга жалб этган мискинларни ўзига яқин тутиб, уларнинг кўнгилларини ранжитмаган, барча талабларини бажарган. «Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим... Турку тожик, арабу ажамнинг турли тоифа ва қабилаларидан бўлган ва менинг паноҳимга кирган кишиларнинг улуғларига ҳурмат кўрсатдим, қолганларини ҳам ўз ҳолига яраша сийладим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим. Кимки менинг хизматимни қилган бўлса, хизмати ҳақини адо этдим».

Амир Темур барча ўлкаларда қонунчиликка тўла риоя қилишни қатъий талаб қилган. Шу мақсадда, ўзининг таърифича, турли мамлакатлардаги садрлар ва қозиларга шариатнинг асосий талаблари қандай бажарилаётганлиги хусусида хабар қилиб туришни буюрган. Шунга ўхшаш ҳар бир эл ва шаҳарда, «Тузуклар»да ёзганидек, сипоҳ ва раият орасида урф-одатларга оид жанжалли ишлар ҳақида тўла маълумот бериб турсин, деб махсус адолат амири тайинланган. Бундай инсонпарварликка асосланган ички ва ташқи сиёсат Соҳибқиронга жаҳон миқёсида юксак обрў келтирган ва Ҳинд дарёси соҳилларидан Волга бўйларигача, мўғул даштларидан Болқон ороли ва Ўрта ер денгизигача Буюк салтанатни бунёд этишида энг муҳим омил бўлиб хизмат қилган эди.

Амир Темур қайси подшоҳликни забт этмоқчи бўлса, тўғри тадбир ва кенгаш, сергаклик ва эҳтиёткорлик билан иш тутган. Энг муҳими, қайси ишни чораю тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда қилич ишлатмаган. Адолат тарафдори ва халқпарвар Соҳибқирон мамлакатда жабр-зулм ва фисқу фасод бўлмаслиги, осойишталик ва фаровон турмуш ўрнатилиши тарафдори бўлган. Чунки унинг таърифича, аҳолини хонавайрон қилиш давлат хазинасининг қашшоқлашишига олиб келади, бу эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига, салтанатнинг парокандаликка учрашига сабаб бўлади. Шунинг учун, солиқ ишларида деҳқоннинг ҳосил ва даромадларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг розилиги билан одилона иш тутиш қатъиян талаб қилинган. Солиқ тўпловчи солиқни буйруқ бермай ва яхши сўз билан олиши, калтак, зўравонлик ишлатмаслик амр қилинган.

Буюк Соҳибқироннинг бой маънавий меросини тўла тадқиқ қилиш Амир Темур яшаган давр тўғрисидаги тарихий ҳақиқатни тиклабгина қолмай, балки тарихшунослик, қонуншунослик ва халқимиз ўтмишини ўрганиш йўлидаги изланишларимизга катта фойда келтириши шубҳасиз.

Санжар ЖАББОРОВ, фалсафа фанлари номзоди

Инсонпарварлик ёрдами

Германия пойтахти Берлин-Митте районининг соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан тақдим этилган тиббий ускуна ва анжомлардан иборат навбатдаги юк Ўзбекистонга жўнатилди.

Ушбу инсонпарварлик ёрдами Германия Қизил Хоч жамияти кўмагида республикамиз Қизил ярим ой жамияти номига жўнатилган бўлиб, Бухоро шаҳар касалхонаси ҳамда Республика «Шошилинч тиббий ёрдам» илмий марказининг Қашқадарё вилоят филиалини жиҳозлаш учун мўлжалланган.

Умумий қиймати 180 минг евро, ҳажми эса 25 тоннадан ортиқ мазкур юк тиббиёт-санитария жиҳозлари, тезкор терапия хоналарида қўлланиладиган ғилдиракли ўриндиқлар ҳамда касалхоналар учун зарур бошқа анжомлардан иборат.

Инсонпарварлик ёрдамини юклаш ва мамлакатимизга жўнатиш ишларида Ўзбекистон Республикасининг ГФРдаги элчихонаси ходимлари иштирок этдилар.

Аслам АКБАРОВ, «Жаҳон» АА.

Янги сайт

Тошкентдаги «Яшаш муҳити» ахборот марказида IREX халқаро ташкилоти кўмаги билан Интернет тармоғида «Орол белгиси остида» номли янги сайт очилди. Марказга бу борада Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Правда Востока» газетаси, экология муаммолари билан шуғулланувчи қатор идоралар ва нотижорат нодавлат ташкилотлар ҳамкорлик қилди.

Сайт экологик ахборотлардан эркин фойдаланиш имконини беради. Турли хил расмлар билан безатилган. Унга жойлаштирилган рус ва ўзбек тилидаги материаллар нафақат маҳоратли экологлар, балки кенг оммага, ҳатто мактаб ўқувчилари, талабалар, шунингдек, табиатга қизиқувчилар учун ҳам мўлжалланган. Улар сайт орқали Ўзбекистон экотизимини ўрганиш, таббий ва техноген таназзул оқибатларининг олдини олиш сингари жараёнларга доир кўрилаётган чора-тадбирлар билан танишадилар.

Сайтда берилган экологик атамалар луғати ҳам диққатга сазовордир.

Ахтам РЎЗИМУРОДОВ

Чигитлар бўй кўрсатди

Андижонлик миришкорлар чигитни плёнка остига экиш яъни «Андижон технологияси» афзалликларини амалда кўрсатаяптилар. Бошқа жойларда кўкламги экиш авжида бораётган бир пайтда, Шаҳрихон туманидаги «Ҳақиқат» ширкат хўжалигининг 323 гектар пахта майдонида чигит текис униб чиқди. Дастлабки парвариш бошланди.

— Кўклам кунлари ором билмай меҳнат қилдик, — дейди ширкат хўжалигининг бош пудратчиси Отабек Султонов, — Мутахассису механизатор, деҳқону ижарачилар ҳамжиҳатлик кўрсатишди. Униб чиққан ниҳолларни кўриб, ташвишларни унутдик.

Шаҳрихон туманидаги «Сардор», Отахонов номли, «Найнаво» ширкат хўжаликлари далаларида экилган чигитлар ҳам бир текис униб чиқди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ



Суратларда: Шаҳрихон тумани «Ҳақиқат» ширкат хўжалиги бош пудратчиси Отабек Султонов ва ижарачи Жононхон Акбарова; Пастдаги суратда эса униб чиққан кўза ниҳоллари.

Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар

● МУАММО, МУЛОҲАЗА

Туршакка хорижда ҳам харидор кўп

ЁХУД ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА МЕВА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ҚАЙ АҲВОЛДА?

1999 йил охирларида Президентимиз Фарғона вилоятида ўтказилган катта анжуманда сўзлаган нутқида вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга холис баҳо бериб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасида қатор вазифалар қўйганди. Жумладан, вилоятда ишсизлик муаммосини ҳал этиш борасидаги имкониятларни кўрсатиб, **«қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта тайёрлайдиган ўрта ва кичик корхоналар тармоғини кенгайтириш зарур...»** деган эди.

Хўш, ўтган йиллар мобайнида вилоятда бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

Тарихдан маълум, Бухоро, Хива, Қўқон савдогарлари чет элларга нафақат пахта, балки қуруқ мева ҳам олиб борганлар. Ўрик туршаги юкланган туялар даштичўллар оралаб шимол юртларига қатнаган. Москва, Санкт-Петербург, Варшава, Лондон каби шаҳарларда ўзбек тупроғининг ажойиб неъмати — ўрик туршаги қадрланган. Риштоннинг қантак ўригидан тайёрланган туршакни эса емабсиз — оламга келмабсиз...

Ҳа, Ўзбекистонда, хусусан, Фарғона вилоятида мевани қайта ишлаш, жумладан, туршак экспорт қилишнинг истиқболи катта. Вилоятда ҳозир 35 минг гектардан ортиқ мевазор боғлар, салкам 6 минг гектар узумзор мавжуд. Шулардан 25 минг гектардан ортиғини ўрикзор ва шафтолизорлар ташкил этади. Агар 2002 йили вилоят боғларида 111924 тонна мева етиштирилган бўлса, шунинг 70204 тоннаси данакли мевалардир. Тўғри, ўтган йиллар давомида вилоятда мева-сабзавот маҳсулотлари қайта ишлаш саноатини ривожлантириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Фарғона шаҳридаги йирик консерва заводи Ўзбекистон — Саудия Арабистони қўшма корхонасига айлантирилди. Корхонада замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилиб, ишлаб чиқариш қуввати ошди. Айни пайтда қўшма корхона йилига 23 миллион 600 минг шартли банка маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Қувасой шаҳрида ишга туширилган «Делканс» Ўзбек — Америка — Италия қўшма корхонаси ҳам мевани қайта ишлаб, турли мева консервалари тайёрлаяпти. Ҳозир Фарғона вилоятида йирик мева консервалари тайёрлайдиган 5 та заводдан ташқари 55 та шу йўналишдаги кичик ва хусусий корхоналар ҳам фаолият кўрсатаяпти. Аммо, очиғини айтиш керак, уларнинг қуввати ҳали вилоят боғларида етиштирилган мева-узум маҳсулотларини тўла қайта ишлаш қурбига эга эмас.

Кичик ва хусусий корхоналарни қўя турайлик. Йирик мева консерва корхоналаридан бири — Фарғона «HS FOOD HR OCESSING CO» ҳам ўтган йили 1021 тонна, Қува консерва заводи 2104 тонна мева маҳсулотлари тайёрлади. Қолган консерва заводларида ҳам шу ҳол. Айрим корхоналар бозори чаққонроқ бўлган помидор пастаси ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан банд. Баъзи кичик ва хусусий корхоналар эса аҳоли хонадонларида тайёрланган мева консерваси маҳсулотларини сотиб олиб, кейин уларга ўз ёрлиқларини қўйиб четга чиқариш билан машғул.

— Вилоят «Матлуботсавдо» компаниясига қарашли консерва заводлари мавжуд қувватларидан деярли фойдаланишмаяпти, — дейди вилоят ҳокими А.Отабоев. — Масалан, ўтган йил ёзда Қўқон шаҳрининг ёнгинасида меваларни консервалаш заводи бўла туриб, Ўзбекистон туманида етиштирилган мева-сабзавотларни бошқа ҳудудларнинг консерва заводлари олиб кетишди. Ўрик, шафтоли ва бошқа меваларни қуритиб, туршак тайёрлаш бутунлай аҳоли қўлига ўтиб қолган...

— Икки гектар ўрикзор боғим бор, — ҳикоя қилади Фарғона туманидаги «Қантак» фермер хўжалиги раҳбари А.Асқаров. — Ўрик — олма ёки нок ва анор эмас, уни узиб қўйиб, сақлаб бўлмайди. Пишгандан кейин бир ҳафтада йиғиштириб, саранжомлаб олмасангиз, ҳосилдан айриласиз. Бизда эса ўрикни қуритиш жараёни бундан минг йил илгари қандай бўлса, ҳамон ўша-ўша. Боз устига, кейинги пайтларда вилоятда ўрикнинг эртапишар, туршак бўлмайдиган навлари кўп экиляпти. Чунки бундай навларга харидор кўп-да, ўрик пишади-ю сотиб қутуласан. Қадимий «Қантак», «Субҳони», «Муллойи», «Исфарак» каби навлар секинаста йўқолиб кетаяпти...

Аслида ўрик туршагининг харидори ҳам кам эмас. АҚШнинг ЮСАИД Халқаро ташкилоти Прагма корпорациясининг Фарғонадаги тадбиркорликни ривожлантириш маркази ходими Э.Аббосовнинг фикрича, ўтган йили оз миқдорда бўлса-да, ўрик туршаги Буюк Британияга экспорт қилинди. Қуруқ мева ва сабзавот маҳсулотларига Чехиядан буюртма бор. Бундан ташқари тадбиркорлар юзлаб-минглаб тонна туршакни ҳар йили МДҲ давлатларига элтиб сотишаётгани ҳам сир эмас...

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Чиқитлардан бежирим маҳсулот

«Навоийиккиламчиқораметалл» хўжалик ҳисобидаги вилоят корхонасида нафақат хўжалик ва туманлараро темир-терсакларни йиғиб Бекобод металлургия заводига жўнатиш, балки худди шу иккиламчи хомашёдан тайёрланган арматура симларидан турли хил темир панжаралар ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилган. Жорий йилнинг ўтган икки ойида навоийлик темирсозлар Бекободга 10 минг тонна қайта ишлашга тайёр бўлган металлом етказиб беришди. Шу билан бир қаторда бу ерда минг погон метрдан зиёд бежирим темир панжаралар ҳам ишлаб чиқарилди.

— Гап фақат чиқитлардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда эмас, — дейди корхона раҳбари Ҳикмат Юсупов. — Аввало, экология, атроф-муҳитга зарарли бўлган қоғоз, шиша синиқлари, пластмасса идишлар камайишига эришиш, шу билан бир қаторда турғун иш ўринларини муттасил кўпайтиришни мақсад қилиб олганмиз. Ҳозирда корхонамизда жами 60 киши меҳнат қилмоқда. Яна қўшимча 20 ишчи ўрни ташкил этилди. Хитой технологияси асосида турли хил хўжалик ва қўл салфеткалари ишлаб чиқаришни ҳам режалаштирганмиз.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

● МАВЗУГА ҚАЙТИБ

Яна назорат-касса аппаратлари ҳақида

ЁКИ ГАЗЕТАМИЗНИНГ ШУ ЙИЛ 25 МАРТ СОНИДА ЧОП ЭТИЛГАН «САВДО ТИЗИМИ: ТАЛАБ ТЎҒРИ, ЙЎЛ-ЙЎРИҚ-ЧИ?» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛАГА АКС-САДО

ЧЕК — ХАРИДОРНИНГ ҲАМ, ДАВЛАТНИНГ ҲАМ ИШОНЧИ

Қўлида харидини ҳам, чекини ҳам ушлаб дўкондан чиқиб келаётган нуроний отахондан сўрадим: — Нима харид қилдингиз, ёшулли?

Отахон олдинига қўлидаги харидларига ишора қилди ва кейин деди: — Чек дегани зўр бўпти-да, ўғлим, харидор ҳам алданмайди, давлат ҳам... қаердан, кимдан, қачон олганингизни билиб турасиз..

— Отахоннинг гапида жон бор, — дейди **Қорақалпоғистон Республикаси давлат солиқ Бош бошқармаси бўлим мудири Жўлмурзо МАТУРЗОЕВ.** — Дўконларда назорат-касса аппаратлари қўйилгани ҳаммага — сотувчига ҳам, мижозга ҳам, давлатга ҳам қулай бўлди.

Нукус шаҳридаги озиқ-овқат сотиш ҳиссадорлик жамиятига қарашли ўнлаб дўконларда назорат-касса аппаратларидан фойдаланиш яхши самаралар бераяпти. Кирим-чиқим журналлари жой-жойида. Электр токи бўлмай қолган ҳолларда рақамланган квитанциялардан фойдаланаяпмиз. Тўғри, ҳар тўкисда бир айб, дейдилар. Баъзи ҳолларда жойларда қонунбузарликлар содир бўлаётгани ҳам бор гап...

Бошқарма бўлим мудирининг бу борада келтирган мисолларига эътибор беринг: Вазирлар Маҳкамасининг **«Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори ижросини таъминлаш бўйича республикада ўтказилган текширишларда 55 тадан кўпроқ қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Шундан 24 та ҳолатда 17854,1 минг сўмлик тушум назорат-касса аппаратига кирим қилинмаган, 13 ҳолатда эса 17119 минг сўмлик нақд пул банкка топширилмаган. Ўтган йили нақд пул ҳисоб-китоб ишларини амалга оширувчи 2703 юридик ва жисмоний шахслар рўйхатга олиниб, ҳозирга қадар 2044 юридик ва 108 жисмоний объектларга назорат-касса аппаратлари ўрнатилган. Ўтказилган текширишлар натижасида 1360 нафар юридик ва жисмоний шахс томонидан қонубузарлик ҳолатлари аниқланди. Назорат-касса аппаратидан фойдаланмаслик ёки квитанциялар бермаслик ҳолатларида 9 нафар юридик шахсга 4081,5 минг сўм, 10 нафар жисмоний шахсга нисбатан эса 907 минг сўм молиявий жарима қўлланилди.

Текширишлар натижасида 25 нафар шахсдан 389 минг сўмлик маъмурий жарима ундирилди. Икки ҳолат бўйича прокуратура ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши кураш бошқармасига юборилиб, 10 та материал чора кўриш учун судга оширилди. Масалан, Қўнғирот туманидаги «Умид» корхонаси тушумни банкка топширмагани учун 13349 сўм молиявий жаримага тортилди. Ёки шу тумандаги «Сагдиана» хусусий фирмасида ҳам худди шундай ҳолат юз берди. Хўжайли туманидаги «Саодат» хусусий дўкони текширилганда 7161,7 минг сўмлик нақд пул тушуми назорат-касса аппаратидан ўтказилмаганлиги аниқланиб, суриштирув ишлари давом этмоқда. «Турдимурат» хусусий дўкони банк томонидан пул ўтказиш йўли билан спиртли ичимликлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари олганига қарамай, банк кассасига 22740,2 минг сўм нақд пулни ўз вақтида топширмаган ва ҳоказо...

— «Қорақалпоқ матлубот савдо» акциядорлик компанияси республика аҳолисининг 75 фоизига хизмат кўрсатади, — дейди **компания савдо бошқармасининг бош мутахассиси Салтанат ТЎЛИМЕСОВА.** — 598 та савдо шахобчаси бўлиб, ҳаммаси назорат-касса аппаратлари билан таъминланган. Сотувчилар «Меркурий», «Орион», «АЖС-01 фуз», «АЖ-100 фуз» каби фискал хотирасига эга назорат-касса аппаратларидан яхши фойдаланмоқдалар.

Чунки, улар энди яхши билиб олишди: кимки назорат-касса аппаратларидан оқилона фойдаланмас экан, биринчи навбатда у ўзини алдайди, кейин фуқарони, қолаверса, давлатни. Назорат-касса аппаратлари ва харидор қўлига чек бериш — ҳаммамизнинг бир-биримизга бўлган ишончимиздир.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ПУЛИГА КУЙИБ ҚОЛИШДИ

Аҳолига мунтазам саккиз турдаги маҳсулотлар билан савдо қилувчи — «Хоразмматлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компаниясига қарашли ўн бешта савдо ташкилотларидаги мавжуд 381 та дўкондан 300 тадан ортиғига аллақачон назорат-касса машиналари ўрнатилиб, ҳисоб-китоб шу йўл билан олиб бориляпти.

«Ҳазораспсавдо» ва Хива шаҳар савдо ташкилоти барча дўконларда касса машиналари ўрнатишга эришгани ҳолда «Моноқсавдо» ва «Янгибозорсавдо» ҳиссадорлик жамиятларида мавжуд дўконларнинг эндигина 30-35 фоизи касса аппаратларига эга, холос.

Энди **«Хивасавдо» ҳиссадорлик жамияти савдо бўлими бошлиғи Шарофиддин БОБОЖОНОВ**нинг куюнишларига қулоқ солинг: «Барча савдо дўконларимизда «Шарп» ва «Самсунг» русумли назорат-касса машиналари бор эди. Кейинчалик маълум бўлишича... улар талабга жавоб бермас, яъни, «хотира»си йўқ экан. Энди «Меркурий» русумли аппаратларни олиб ўрнатишга киришдик. Ҳозирча барча дўконлар касса аппаратлари харид қилишди, аммо янги аппаратларини кўрикдан, рўйхатдан ўтказишда бироз сансалорликлар борлигидан вақтида юз фоиз натижага эриша олмадик.

Мени бир савол қийнайди — олдин муомалада бўлган касса машиналарини дўконлар 130 минг сўмдан харид қилишганди. Ўз вақтида бу матоҳлар «замонавий, жаҳон андозаларига мос» деб роса мақталган. Энди «памяти йўқ»лигидан бир кунда шунча матоҳ керакмас мулкка айланди. Дўкондорлар пулига куйиб қолишди...»

Ҳозир муомалага киритилаётган «Меркурий» русумли назорат-касса машиналарининг нархи ҳам кам эмас — вилоят марказидаги бозордан уни 220-240 минг сўмга харид қилиш мумкин. Шунда ҳам омадингиз чопса — тузукроғига тушсангиз... Агар яроқсизига учрасангиз, омадингиз ётгани.

«Моноқсавдо» ҳиссадорлик жамияти дўконларига муқаддам ўрнатилган «Меркурий-150» русумли машиналаридан тўрттаси талабга жавоб бергани» учун тағин эгаларида қолдирилиб, уларга савдо қилиш учун рухсат қилинган. Қолган ўн тўққиз дўкондор янгисини харид қилишга мажбур.

Биз билан суҳбатда бўлган дўкон эгалари фикрича, муқаддам ишлатилиб келинган назорат-касса аппаратлари ҳам қулай бўлган. Аммо учун «хотирали»си бор аппаратларда ҳеч кимни алдай олмайди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Бўлинма Бағдод марказида

Америка қўмондонлиги вакили, полковник Уилл Гримзлининг France Press агентлигига берган хабарига кўра, АҚШнинг 3-пиёдалар дивизияси 2-бригадаси ҳарбийлари танклар ёрдамида Бағдод мудофаа чизиғини ёриб кирдилар. Бўлинма таркибида нечта ҳарбий борлиги ҳақида ҳозирча ҳеч нарса дейилмади. Бироқ Sky News телеканали ахборотида айтилишича, 8 тага яқин Abrams русумидаги танклар жангда иштирок этган.

Фаолиятини тўхтатди

«Чегара билмас шифокорлар» халқаро хайрия ташкилоти Ирокдаги ўз фаолиятини тўхтатганлигини эълон қилди. Сабаб: ташкилотнинг олти вакилидан икки нафари ўтган чоршанбадан бери Бағдодда бедарак йўқолган.

Халқаро ташкилот гуруҳида италиялик жарроҳ, австриялик анестезия мутахассиси, норвегиялик терапевт ва гуруҳ раҳбари — франциялик мутахассис қолди, холос. Улар бир неча ҳафтадан бери Бағдоднинг шимоли-шарқидаги al-Kindi Hospitalида фаолият кўрсатишаётган эди, дея хабар беради Reuters агентлиги.

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Дунёни ташвишга солаётган касаллик

УНДАН ҚУТУЛИШНИНГ ЧОРАСИ БОРМИ?

Ақл-заковат, илму урфон, техника-технология энг ривожланган XXI асрда яшаётганмизга қарамай дунё ҳануз муаммолар гирдобидан қутулолгани йўқ. Тараққиёт қанчалик илгарилагани сари муаммоларнинг ҳам янги-янги турлари пайдо бўлмоқда. Ўтган асрнинг 80-йилларида орттирилган иммунитет танқислиги синдроми — ОИТС (СПИД) дея аталган касаллик ўзининг оғир оқибатларига кўра XX аср вабоси, деб аталган бўлса, энди яна бир номаълум касаллик одамзот бошига соя солмоқда. Бу ўткир зотилжам касаллигига ўхшаш хасталик бўлиб, илк бор ўтган йил ноябрда Хитой жанубидаги Гуандун музофотида қайд этилган эди. Бугунги кунда у дунёга шунчалар тез тарқалиб бормоқдаки, унинг «важоҳати»дан кўпчилик қаттиқ ташвишга тушмоқда. Негаки, ҳозирга қадар дунёда 80 дан ортиқ одам айнан шу касаллик туфайли оламдан кўз юмди. Хитой соғлиқни сақлаш вазири Чжан Вэнкан ошкор этган маълумотларга асосланиб, мамлакатнинг Синхуа агентлиги хабар беришича, шу кунгача фақат Хитойнинг ўзида 46 нафар бемор вафот этган. 1190 нафар бемор айнан шу касаллик бўйича рўйхатга олинган. Шундан 934 нафари касалхоналарда даволаниб чиққан, 210 бемор даволанишни ҳали давом эттирмоқда, 6 нафарининг аҳволи ўта оғир.

Мазкур касалликнинг аломатлари нафас қисиши, ҳароратнинг ўта юқори бўлиши билан характерланади. Гуандундаги ҳолатни текшириш ва вазиятни барқарорлаштиришга ёрдам бериш учун келган Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти вакиллари ҳам буни тасдиқламоқда. Бундан ташқари бу ерда Хитойнинг махсус экспертлар гуруҳи ҳам иш олиб бормоқда. Маҳаллий ҳокимият нима қилиб бўлса-да, касаллик тарқалишининг олдини олиш чораларини кўрмоқда. Ва бунинг натижаси бироз сезилмоқда ҳам. Масалан, мартда касаллик юққан 361 ҳолат қайд этилди, холос. Бу кўрсаткич февралга қараганда 47,5 фоиз камайганини билдиради.

Бироқ ачинарлиси шуки, касалликнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, уни бевосита даволаш усуллари, касаллик тарқалишининг олдини олиш бўйича аниқ чоралар белгилашда XXI аср тиббиёти ожизлик қилмоқда. Кўрилаётган чора-тадбирлар умумий эҳтиётланишдан нарига ўтмаётир. Шунинг учун бўлса керак, бу касаллик дунёга тарқалишга улгурди. Ҳозир 2 минг 400 дан ортиқ одамга ушбу хасталик инфекцияси юққан. Жумладан, Японияниг Киодо агентлиги хабар беришича, Сянган (Гонконг)лик 708 кишида мазкур касаллик аломатлари қайд этилган бўлиб, улардан 16 нафари бевақт оламдан кўз юмган. Сингапурда эса инфекция 100 кишида аниқланган, 5 киши вафот этган.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти Сингапурда мазкур эпидемия бартараф этилганини эълон қилди. Бироқ яна 2 ҳафта қаттиқ кураш олиб борилиши лозимлигини уқтирмоқдалар. Reuters хабарига кўра, кечадан эътиборан бу ерда мактаблар, боғчалар яна фаолиятини бошладилар. Улар 27 мартдан ёпилган эди.

Аммо Хитойнинг жанубий музофотлари — Гуандун ва Сянганда аҳвол мураккаб. Шу важдан ҳам АҚШ ўзининг Хитойдаги дипломатик корпус вакилларини камайтирмоқчи. АҚШ давлат котиби ўринбосари Ричард Армитижнинг айтишича, шу кунларда дипломатларнинг кўпчилигига мамлакатни тарк этиш таклиф этилган. Сянган мактаблари ва боғчаларида эса карантин 21 апрелгача узайтирилди. Аввал бу ерда 29 мартдан 6 апрелгача карантин эълон қилинган эди. Ҳозир болалар мактаб ва боғчаларга қатнашмаяпти. Бу ҳақда таълим вазири Артур Ли маълум қилди.

Япония ташқи ишлар вазири эса ҳозирча Сянган ва Гуандунга бормай туришликни ўз фуқароларига уқтирди. Бу борада Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти вакили Давид Хейманн ҳам дунё жамоатчилигини огоҳлантирди. Индонезия ҳукумати эса ўз ишчиларини Осиё-Тинч океани ҳудудига вақтинча ташриф буюрмасликка чақирди. «Жакарта пост» газетаси маълумотларига қараганда, ҳар ойда Индонезиядан 8 минг киши Сингапур ва Сянганга иш излаб боради. Индонезияда ҳам янги инфекция билан боғлиқ уч ҳодиса қайд этилган.

Reuters агентлигининг Таиланд соғлиқни сақлаш вазири берган маълумотга таяниб хабар қилишича, эндиликда Хитой, Сянган, Сингапур ва Вьетнамдан Таиландга келган сайёҳлар албатта, оғиз-бурунларига ниқоб тақиб юришлари шарт. Кимки бу шартни бузса, уни 6 ойгача қамоқ жазоси ёки катта миқдорда жарима кутади. Ниқоблар аэропортнинг ўзида сайёҳларга тарқатилмоқда. Касалликнинг қурбони бўлганлар Малайзияда ҳам ва ҳатто, узоқ Канадада ҳам қайд этилди. Малайзиянинг The New Straits Times газетаси куни кеча Куала-Лумпур шифохонасида бир бемор вафот этганлигини маълум қилди. Яна 8 киши даволанмоқда. Канадада эса 6 киши ушбу касалликнинг курбонига айланди. Уларнинг барчаси Хитойдан қайтган фуқаролардир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, АҚШ Президенти Жорж Буш мамлакат ҳудудида инфекция тарқалишига қарши мажбурий чораларни қўллаш, инфекция юқтирган беморларни эса карантин шароитида даволаш ҳақида кўрсатма берди. Шу кунларда АҚШнинг 29 штатида 115 нафар беморда мазкур касаллик аломатлари борлиги тахмин қилинмоқда.

Куни кеча дунё матбуотида ўткир зотилжамга ўхшаш хасталик Россияда ҳам қайд этилганлиги ҳақида ахборот тарқатилган эди. Аммо, дея хабар беради «Новости» агентлиги, касаллиги учун Хитойдан Приморье ўлкасининг Артём шаҳри шифохонасига самолётда олиб келинган 48 ёшли рус денгизчисини обдон текширган шифокорлар беморда бундай касаллик аломатлари йўқлигини маълум қилдилар ва «ўпкаси яллиғланган» дея ташхис қўйдилар. Бироқ шундай бўлса-да, Россия Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида ўткир респиратор синдромига қарши кураш олиб борувчи махсус штаб тузилди. «Интерфакс» ахборотига кўра, мамлакатда кичик поликлиникалардан тортиб катта-катта шифохонаю тиббий муассасаларгача кучайтирилган эпидемиологик тайёрлик эълон қилинган.

Хўш, Ўзбекистонда ҳам ушбу касаллик қайд этилганми, деган савол туғилиши табиий.

— Ҳозирча йўқ. Шунга қарамасдан, касаллик кузатилган давлатлардан келиши мумкин бўлган йўловчиларни эътиборга олиб, хавфни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тошкент аэропортидаги санитария назорати пунктида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан келаётган йўловчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, самолётларни дезинфекциялаш мунтазам бажарилмоқда, — дейди Давлат санитария ва эпидемиология департаменти раиси ўринбосари Боқижон Маткаримов.

Юқорида санаб ўтилган мисоллардан шу нарса аёнлашадики, демак, беморлар билан мулоқотда бўлиш инфекция тарқалишини келтириб чиқаради. Бу борада эҳтиёт бўлиш фақат фойда беради.

Жаҳон тиббиёти эса бу касалликка даъво излашга киришмоқда. Жумладан, ҳукумат таркибига кирувчи АҚШ Соғлиқни сақлаш миллий маркази мутахассислари одатдан ташқари зотилжам инфекциясига қарши вакцина яратишга киришдилар.

Алимқул СУЛТОН

Сянган шаҳри кўриниши

Бугун учрашадилар

Буюк Британия Бош вазирининг матбуот хизмати маълум қилишича, бугун АҚШ Президенти Жорж Буш ва Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Ироқ муаммосини муҳокама этиш учун Шимолий Ирландияда учрашадилар.

Ташриф қолдирилди

Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Ироқда ҳарбий ҳаракатлар кетаётганлиги муносабати билан ўзининг Хитойга қиладиган ташрифини номаълум муддатга қолдирди, дейилади Reuters агентлиги ахборотида.

Хитой Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот котиби Лю Цзянчаонинг айтишича, «Хитой вазиятни тушунади, шунинг учун маъқул пайтда ташриф буюриши мумкин». Лю Цзянчао яна шуни қайд этдики, ташрифнинг қолдирилиши Шарқда зотилжамга ўхшаш одатдан ташқари касалликнинг тарқалганлигига боғлиқ эмас.

Қочоқлар қатл этилади

Ироқ ҳарбий қўмондонлиги мамлакат шимолидаги ҳарбий қисмларда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш учун жисмоний куч билан жазолаш ва қатл этиш чораларини қўлламоқда. Бу ҳақда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи Human Rights Watch гуруҳи Reuters агентлиги журналистларига маълум қилди. Курдлар томонига қочиб ўтган Ироқ аскарларининг айтишича, қочишга уринган 10 аскар 26 март куни қатл этилган ва ўшандан кейин махсус қатл этиш отряди тузилган.

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали қуйидагиларни маълум қилади:

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2003 йил 22 февралдаги 22-сонида берилган эълонда кимошди савдосига қўйилган давлат автотранспорт воситалари кимошди савдолари Тошкент вилояти давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали ҳамкорлигида ўтказилиши эътиборга олинсин.

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали

Сизларни 2003 йил 16, 23, 30 май ҳамда 6, 13 июнь кунлари бўлиб ўтадиган кимошди савдоларига таклиф қилади.

Савдоларга «UZBAT AO» қўшма корхонасига тегишли Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, «Магазин-Мавзук» кўчаси, 298-а уйда жойлашган умумий майдони 5678,0 кв. метр бўлган тамаки маҳсулотларига мўлжалланмаган ва асбоб-ускуналар омборхонаси (5666,0 кв.м.) ҳамда қоровулхона (12,0 кв.м.) қўйилади.

Бошланғич нархи — 18 000 000 сўм.

Савдоларда юридик ҳамда жисмоний шахслар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Савдоларда қатнашиш учун объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдорида заклад пули тўланади.

Савдоларда қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Савдолар соат 10.00да бошланади.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16-а.

Мурожаат учун манзил: *Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13.*
Телефонлар: *144-44-73, 144-71-78.*
Бизнинг реквизитлар: *«Уйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлими, МФО 00425; х/р: 20208000400152516001*

«Миробод бозори» очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

Жамият акциядорларининг 2003 йил 5 мартда ўтказилган 2002 йил натижаларига бағишланган умумий мажлисида қуйидаги қарорлар қабул қилинди:

1. «Миробод бозори» ОАЖнинг 2002 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.
2. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосаси тасдиқлансин.
3. Жамиятнинг 2002 йил молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.
4. Жамиятнинг 2002 йил молиявий ва хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият баланси тасдиқлансин.
5. Жамиятнинг 2002 йил молиявий ва хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартиби тасдиқлансин.
6. Жамиятнинг 2003 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш ваколати жамият Кузатув Кенгашига берилсин.
6.1. Жамият Бошқарувига 2003 йилги даромадлар ва харажатлар сметасини қайта ишлаб чиқиш вазифаси юклатилсин.
7. Жамиятнинг 2003 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб «ГАРАНТ — АУДИТ» компанияси тасдиқлансин.
8. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритилсин.
9. Жамият Бошқаруви раиси С.М.Ҳакимов билан жамият Кузатув Кенгаши ўртасида тузилган шартнома муддатига ўзгартириш киритилиб, С.М. Ҳакимов жамият Бошқаруви раиси лавозимига бир йил муддатга қайта сайлансин.
10. Жамиятнинг 2003 йилги иш режаси (бизнес плани) тасдиқлансин.
11. Жамиятнинг Низом жамғармаси 12000,0 минг сўмга ошириб, янги низоми 52746,5 минг сўм этиб тасдиқлансин.
11. Жамиятнинг Низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб тасдиқлансин.

«Миробод бозори» ОАЖ Кузатув Кенгаши.
Тел.: 54-96-62

● СПОРТ

Алплар Термизда беллашди



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Йигирма беш нафар халқаро тоифадаги ҳакам мусобақаларни одил ва холис баҳолаб борди. Улар орасида Жанубий Африка Республикасидан келган Цюзеф хоним, эронлик Ризо Носирий, Жанубий кореялик Ким Ул Жен ҳам бор эди. Мусобақада сурхондарёлик Суҳроб Дўстов, қашқадарёлик Исҳоқ Аҳмедов, бразилиялик Карлос Хонорато, тошкентлик Камол Муродов ўз вазнлари бўйича турнир ғолиби бўлди.

Юртдошимиз Эркин Қодиров туркманистонлик Рауф Жабборов устидан ғалаба қозонган бўлса, таниқли полвон Махтумқули Маҳмудов рақибларига курашнинг жозибали усулларини намойиш этди. Қашқадарёлик Элбек Орипов Буюк британиялик Даниэл Смит устидан бир дақиқадаёқ соф ғалабага эришди. Кураш ишқибозларига яхши таниш польшалик Павел Малованец билан сурхондарёлик Ҳамза Зиёвиддинов беллашувини томошабинлар зўр ҳаяжон билан кузатди. Ҳамза полвон икки дақиқадаёқ соф ғалабани қўлга киритди.

Рақибларини кетма-кет қулатган, кураш сирларини пухта эгаллаган Карлос Хоноратога тенг келадиган полвон бўлмаса керак, деб ўйлаганлар Фазлиддин Қурбонов даврага чиққач, янглишганини тушунди. Тошкентлик полвон Карлоснинг курагини ерга теккизди. Куч ва ирода, курашнинг ўзига хос усулларини қўллаш бобида эронлик Саид Хусравинажотнинг амаллари катта таассурот қолдирди.

Турнирнинг мутлақ ғолиблиги учун беллашувларга, табиийки, қизиқиш жуда катта бўлди. Ўзининг чаққон ва ҳалол кураши, мардлиги билан кўпчилик қалбидан жой олган Абдулла Тангриев билан туркиялик Салим Татар ўғли беллашуви жуда муросасиз кечди. Аммо меҳмоннинг барча уринишлари беҳуда кетди. Абдулла Тангриев мутлақ ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Унга Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини — «Нексия» автомашинасининг калитини Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Қодиров топширди.

Чори ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири

Суратларда: мусобақадан лавҳалар.
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

● ЛУҚМА

Чинпўлатга чипта ёқмади...


ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УЗБЕКСКИЙ ТЕАТР ДРАМЫ
«Ё ШЕРОВ НОМИДАГИ ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИ
Б/н. 020315
ПАРТЕР
Ряд № 10 Место № 21
Цена 90 коп.
КОНТРОЛЬ

Кўпдан бери театрга тушмагандим. «Қайси театрга тушсам», деб турувдим, юқоричирчиқлик укахоним Чинпўлат келиб қолди. У тумандаги мактабларнинг бирида 7-синфда ўқийди. Аълочи, зукко, зийрак бола.

— Кеча мактабимизда Аброр Ҳидоятов номли Ўзбек Давлат драма театрининг артистлари томоша кўрсатиб кетишди, — деб қолди у ҳам. — Биз илгари фақат телевизорлардагина кўриб юрган машҳур санъаткорларнинг ҳаммаси келди. Чиқишлари ҳаммага манзур бўлди, лекин менга бир томони ёқмади...

— Нимаси?

— Томоша учун сотилган чипталар ўтган замондан қолган чипталар экан. Мана, кўринг, — у кўйлаги чўнтагидан икки букланган чиптани узатди.

Чиндан ҳам чипта собиқ СССР даврида босилган бўлиб, унда шундай битиклар бор эди: «Государственный узбекский театр драмы «Ёш гвардия» Партер. ряд №10 место №21 цена 90 коп...»

— Шу холосми? Балки янги чипта тайёрлашга театрнинг имкони йўқдир...

— Қизиқсиз-да, — хафа бўлди у, — ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига ўн тўрт йил тўлиш арафасида. Ҳеч бўлмаса, мустақил мамлакат эканлигимизнинг ҳурмати-чи? Катта бир нуфузли театрга бу уят эмасми?

Илҳом КАРОМОВ

● ИНТЕР-СПОРТ

Жала, пойга, натижа

Бразилия Гран-при соврини учун ўтказилган халқаро автопойга ўзига хос шароитда давом этди. Гап шундаки, кутилмаганда ёққан кучли ёмғир туфайли пойгани маълум муддатга тўхтатишга тўғри келди. Намгарчиликда ўтказилган пойга эса самарали кечмади. Охир-оқибат бор-йўғи саккизта «бутун» машина маррага етиб келди. Албатта, бу машиналар ичида машҳур Михаэл Шумахерники йўқ эди. Бу пойгачи кутилмаганда бошқарувда хатога йўл қўйиб, мусобақани барвақт тугатганди. Айниқса, айланма пойганинг 55 ва 71-даврасида иккита кучли урилиш содир бўлди. Бунда «Ягуар», «Рено» каби камёб пойга машиналарининг пачағи чиқди. Мусобақа эса жаҳон чемпионатининг учинчи босқичи тарзида ўтказилган бўлиб, унда фин пойгачиси Ким Райкконен ўзининг «Макларен» машинаси билан марра чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтди.

Уйдирма гаплар

«Манчестер Юнайтед» клубининг бош мураббийи Алекс Фергюсон ажойиб футболчи Дэвид Бэкхемнинг бошқа жамоага ўтиш-ўтмаслиги масаласига нуқта қўйди. «Биз Дэвидни «сотиш» ниятида бўлмаганмиз. Умуман, унча-мунча футболчини бой бериш бизга маъқул эмас, — дейди Фергюсон. — Бу ҳаммаси матбуотда Дэвиднинг «Реал»га ўтиши мумкин экан, деган гапнинг тарқалишидан бошланди». Аслини олганда, «Манчестер Юнайтед» Англия кубоги учун финал учрашувда «Арсенал»га имкониятни бой бериши ва ўйиндан кейин ранжиган Фергюсоннинг кутилмаганда бутсини Дэвиднинг юзига отишидан бошланган эди. Уйдирмачилар эса бундай нохуш ҳолатдан фойдаланишга уринишган бўлса, ажаб эмас.

● ОБОД МАҲАЛЛА — МАМЛАКАТ КЎРКИ

«Чубор» чирой очмоқда

Бирон-бир маърака йўқки, салкам етмишни қоралаган, аммо ҳали ҳам эл меҳнатига камарбаста, суҳбати дилкаш, ўрни келса қаҳрли, ўрни келса меҳрли Файзи ота Ҳожиматовнинг маслаҳатисиз ўтса. У айни дамда мактаб раҳбари ва «Янгиобод» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Чўбор» маҳалласининг сардори.

Умр — оқар дарё... Боёвут туманидаги қатор мактабларда ўттиз йил ёшларга таълим берган ота 1978 йил Шароф Рашидов туманига кўчиб келди. Янгидан ўзлаштирилаётган жойлар... ҳали шароит йўқ ҳисоби. Унибуни қўйинг, ҳатто оддий мактаб ҳам ташкил этилмаганди. Болалар анча олисдаги қўшни мактабга қишин-ёзин яёв қатнарди. Ниҳоят, Файзи муаллимнинг саъй-ҳаракатлари ва туман раҳбарларининг ёрдами билан аввалига дала шийпонларининг бирида Садриддин Айний номли 17-саккиз йиллик мактаб очилди, кейинчалик ўн йилликка айлантирилди ва истиқлол йиллари замонавий янги бинога кўчиб ўтди. Ҳозир 910 нафар ўғил-қиз таълим олмоқда.

Файзи ота нафақат мактаб, бутун қишлоқ аҳлининг оғирини енгил қиладиган кўплаб хайрли ва эзгу ишларга бош қўшиб келаётир. Ота ташаббуси билан маҳалла боғи ташкил этилди. Ҳукуматимизнинг тиббиётга бўлган эътибори туфайли қишлоқда замонавий тиббий ускуналарга эга қишлоқ-врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

— Ҳали маҳалламиз ҳудудида қиладиган ишларимиз кўп, — дейди ота. — Масалан, мактабимизда қўшимча синфхоналар ва қишки спорт зал қуришимиз, замонавий ўқув жиҳозлари келтиришимиз керак. «Чўбор»ни чўлдаги энг намунали обод маҳаллалар қаторига қўшишни ният қилганмиз. Қишлоқ-врачлик пунктимизни ҳам бориб-бориб рисоладагидек шифохонага айлантириш орзуимиз бор. Уй-жойларни посёлка типида қайта қуришни лойиҳалаштираяпмиз. Маиший хизмат шахобчалари қурилмоқда... Кеча мундоқ ўйлаб қарасам, ҳали ҳаммаси бўлиб, барча режалар (ҳашар, тўй-ҳашам, хайриялар) билан қўшиб ҳисоблаганда маҳалламизнинг ободлиги йўлида қиладиган ишларимиз анчагина экан.

Умиджон САТТОРОВ

«АСКИЯ УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ» ОАЖНИНГ

2003 ЙИЛ 19 МАРТДА БЎЛИБ ЎТГАН НАВБАТДАГИ УМУМИЙ МАЖЛИСИДА ҚУЙИДАГИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ:

1. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият директорининг ҳисоботи тасдиқлансин.
2. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган Аудиторлик текшируви хулосаси тасдиқлансин.
3. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган Тафтиш комиссияси текшируви ҳисоботи тасдиқлансин.
4. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича жамият баланси тасдиқлансин.
5. Жамиятнинг 2002 йил фаолияти якуни бўйича олинган 29,8 минг сўм соф фойдаси жамиятнинг тақсимланмаган соф фойдаси сифатида қолдирилсин.
6. Жамиятнинг 2003 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметаси тасдиқлансин.
7. Жамиятнинг 2003 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб, «Гарант-Аудит» МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин.
8. Жамият Кузатув Кенгашининг 2002 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин.

8.1. Жамият Кузатув Кенгаши аъзоларидан И.Убайдуллаев, М.Рихсиева, Ф.Нуралиев, Н.Насимов ва Ф.Сулаймонходжаевлар мурожаатларига асосан ўз розиликларига кўра Кузатув Кенгаши аъзолигидан чиқарилсин.

8.2. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига қуйидаги номзодларнинг киритилиши тасдиқлансин:

— «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси бошқаруви раисининг муовини — Аҳмедходжаев Аброр Жўраевич.

— «Отабек-Дилбар» ХФ раҳбари — Каримов Ғофир Рўзиқулович.

«Адолат-5» ХФ раҳбари — Файзиев Ғайрат Сагатович.

— «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмасининг ҳуқуқшуноси — Нуритдинова Муаззам Исмоиловна.

— Яккасарой тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари — Ҳошимжонов Акмал.

9. Жамият директори Н.Асомутдинов билан тузилган меҳнат шартномасига ўзгартириш киритилиб, Н.Асомутдинов жамият директори лавозимига бир йил муддатга қайта сайлансин.
10. Жамият бошқаруви томонидан ишлаб чиқилган жамиятнинг 2003 йилги иш режаси (бизнес-план) тасдиқлансин.
11. Жамиятнинг иккинчи эмиссия акциялари тўлиқ сотиб бўлинмаганлиги учун жамият низом жамғармасини ошириш мумкин эмаслиги белгилаб қўйилсин.

11.1. Жамиятнинг иккинчи эмиссия акциялари сотилиши жадаллаштирилсин ва акциялар сотиб бўлингандан сўнг жамият низом жамғармасини ошириш масаласи кўриб чиқилсин.

12. Жамиятнинг низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин ҳамда тасдиқлансин.
13. Мазкур мажлис қарорининг бажарилишини таъминлаш жамият директори Н.Асомутдинов зиммасига юклатилсин.

Мурожаат учун телефон: 55-27-44.
КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Ҳикматли сўзлар маъноси

Бола — эр-хотин тилмочи

Вар.: «Бола — эр-хотин кавшари». Оилавий ҳаётда эр-хотин баъзан бир-биридан аразлаб, гаплашмай юради. Ана шундай пайтда ёш бола улар ўртасида тилмочлик, кавшарлик вазифасини ўтайди. Ота онага ёхуд она отага бирор гап айтишга мажбур бўлиб қолса, аразлашгани боисидан бевосита ўзига айтолмайди-да, «Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит» қабилида ўша айтмоқчи бўлган гапини болага қараб гапиради. Ёхуд «бор, дадангга бориб айт, фалон қилсин...», «бор онангга бориб айт, фалон қилсин...» деб, бир-бирига айтмоқчи бўлган гапини бола орқали етказади. Юқоридаги мақол шу ҳолатга қарата айтилган.

Болани ишга буюр, кетидан ўзинг югур

Вар.: «Бола, боланинг иши чала», «Боланинг иши — болача» (болача — бу ерда «боладек», «болага хос» маъносида келтирилган). Одатда болага бирор иш буюрилса, аксарият ё чала қилади, ё бузиб қўяди, ё тўкади, ё синдиради... Болага иш буюриб уни бирор жойга юборса, кейин кишининг ўзи тинчимай, «нима қилдийкин, нима бўлдийкин, нега кеч қолди», дея хавотирланиб, кетидан ўзи югуришига ёхуд чала қилиб, бузиб келган ишини қайтадан бориб, ўзи бажаришига тўғри келади. Мазкур мақолларни ана шундай ҳолларда қўллайдилар ёхуд бировга: «Катталар қиладиган ишни болага буюрма», демоқчи бўлганларида ишлатадилар.

Акция олувчилар диққатига!

Сурхондарё вилояти «Баққоллик» ОТАЖи томонидан 2003 йил 20 февралда номинал қиймати 1900 сўм бўлган 3824 дона, умумий қиймати 7265,6 минг сўмлик оддий акциялар эркин сотувга чиқарилди.

Мурожаат учун Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ишчилар маҳалласи.

Тошкент молия институти қошидаги «Молия академик лицейи» раҳбарияти ва жамоаси шу лицейнинг география ўқитувчиси Эргашев Ғайратга отаси

ЭШНАЗАР аканининг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Пойабзалчи» ОАЖ

2003 йил 2 апрелдаги акциядорларнинг йиллик мажлиси жорий йил 21 апрель соат 14.00 га кўчирилганини хабар қилади.

«Алоқабанк» акциядорлик тижорат банкининг 90-сонли 00401 код рақамли тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«ЎЗБЕКИСТОН ШАМПАНИ» ОАЖДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Маълумотнинг тартиб рақами — 05

Акциядорларнинг 2003 йил 1 апрелдаги йиллик мажлиси қарорига асосан битта оддий акция учун 58,10 сўм дивиденд белгиланди. Умуман 169057 акция мавжуд. Дивидендлар тўлаш муддати шу йил 1 апрелдан 1 июнга қадар белгиланди. Тўлов қуйидаги манзилда амалга оширилади: Тошкент шаҳри, С.Машҳадий кўчаси, 186.

Маълумотнинг тартиб рақами — 07

Реестрни ёпиш муддати 2003 йилнинг 1 мартида якунланган. Акциядорлар 2003 йилнинг 10 мартигача рўйхатга олинган.

Маълумотнинг тартиб рақами — 09

«Ўзбекистон шампани» ОАЖ акциядорларнинг йиллик мажлиси якунлари ҳақида хабар қилади:

Мажлис 2003 йилнинг 1 апрель куни соат 15.00да ўтказилди.

Мажлис ўтказилган манзил: Тошкент шаҳри, С.Машҳадий кўчаси, 186.

Ўтказиш тартиби — очиқ.

Кворум — 91,2%

1-масала.

Овоз бериш: бир овоздан маъқулланди.

Қарор қилинди: Ижроия орган ҳисоботи тасдиқланди ва Бошқарув фаолияти қониқарли деб топилди.

2-масала.

Овоз бериш: маъқуллаганлар — 110935, қаршилар — 0, бетарафлар — 43308.

Қарор қилинди: жамиятни 2003 йилда ривожлантириш режаси маъқулланди.

3-масала.

Овоз бериш: бир овоздан маъқулланди.

Қарор қилинди: йиллик бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботи ва 2002 йил учун 2 ЦБ ҳисоботи тасдиқлансин.

4-масала.

Овоз бериш: бир овоздан маъқулланди.

Қарор қилинди: Ревизия комиссияси ҳисоботи тасдиқлансин.

5-масала.

Овоз бериш: маъқуллаганлар — 110935, қаршилар — 0, бетарафлар — 43308.

Қарор қилинди: Аудиторнинг ҳисоботи тасдиқлансин.

6-масала

Овоз бериш: бир овоздан маъқулланди.

Қарор қилинди: бир акция учун 58,10 сўм, ҳаммаси бўлиб эса — 9489000-00 сўм миқдорида йиллик дивиденд тўлансин. Дивидендларни тўлаш 2003 йил 1 июнгача амалга оширилсин.

7-масала.

Овоз бериш: бир овоздан маъқулланди.

Қарор қилинди: «Ўзбекистон шампани» ОАЖнинг низомий ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги Фармонига биноан киритилган ўзгартишлар тасдиқлансин.

8-масала.

Овоз бериш: бир овоздан маъқулланди.

Қарор қилинди: Кузатув Кенгашининг ҳисоботи тасдиқлансин.

9-масала.

Овоз бериш: бир овоздан маъқулланди.

Қарор қилинди: «Ўзбекистон шампани» ОАЖ директори Шавкат Исроилович Отабековнинг меҳнат шартномаси муддати узайтирилсин.

10-масала.

Овоз бериш: маъқуллаганлар — 110935, қаршилар — 0, бетарафлар — 43308.

Қарор қилинди: жамиятнинг 2003 йил учун аудитори этиб «ГНК Осиё Аудит» фирмаси тасдиқлансин.

Маълумотнинг тартиб рақами — 10

Жамият бошқарувида ўзгаришлар юз берди:

1. Ж.Йўлдошев, А.Турдиев, В.Зибина Кузатув Кенгаши аъзолари этиб сайланишди.

А.Абзалов, Ф.Ғиёсов, Д.Солдатов бошқарув органидаги ўз вазифаларидан озод этилдилар.

Р.У.Қўшоқов давлатнинг ишончли вакили сифатида бошқарув органи аъзолигига сайланди.

Юқорида кўрсатилган ўзгаришлар ва уларни қабул қилиш ҳақидаги қарорни қабул қилган ваколатли орган — Акциядорларнинг умумий йиғилиши, 2003 йил 1 апрель.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Farruh HAMROYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 328

12370 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi —
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA